



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2012 йил
18 апрель
ЧОРШАНБА

№ 30
(12.458)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«АНГРЕН» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилоятида "Ангрен" махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда – "Ангрен" МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси "Ерғодезкадастр" давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Ангрен" махсус индустриал зонаси таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, "Ангрен" махсус индустриал зонаси таркибига киритилган ер майдонлари Тошкент вилояти ҳокимлигининг бевосита тасарруфида бўлади.

2. Қўйидагилар "Ангрен" махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

махсус индустриал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хомашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустақам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар негизда юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш, "Ангрен" логистика маркази салоҳиятини, юкларни автомобиль ва контейнерларда ташиш борасида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

"Ангрен" махсус индустриал зонасининг

фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

"Ангрен" МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади;

"Ангрен" МИЗ қатнашчиси мақоми "Ангрен" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилади.

4. "Ангрен" махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин.

"Ангрен" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари қўйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

корхоналарга "Ангрен" МИЗ қатнашчиси мақомини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

"Ангрен" МИЗда лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар ва идораларнинг, ҳўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ва контракт ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ҳамда уларнинг экспертизасини ўтказиш борасидаги ишларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг "Ангрен" МИЗ фаолияти билан боғлиқ масалалардаги ишларини мувофиқлаштириш;

ишламаётган корхоналарни ва давлат эгалигидаги мол-мулкни "Ангрен" МИЗ қатнашчиларига нолга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

"Ангрен" МИЗнинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш, "Ангрен" МИЗ Дирекциясини шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича комплекс қора-тадбирларни амалга ошириш.

5. "Ангрен" махсус индустриал зонаси қатнашчилари:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилаётган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида "Ангрен" МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб қириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёزلар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан эквиваленти:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда – 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан ортиб 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда – 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга берилади.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ангрен" махсус индустриал зонанинг Маъмурий кенгаши қарорлари бўйича белгиланган тартибда "Ангрен" МИЗда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун қўйидагиларни таъминласин:

биринчи навбатда солиқ саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудларида корхоналар қуриш учун ер майдонларини ўз вақтида ажратиш;

муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига улашни учун барча зарур рухсатномаларни "бир дарча" тамоийли асосида бериш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ "Ангрен" МИЗда қатнашувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар учун "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзтрансгаз" АҚ, Тошкент вилояти ҳокимлиги бўлинмалари ва бошқа муҳандислик-коммуникация хизматларини етказиб бериувчилар коммуникацияларни ишлаб чиқариш майдончаларига туташтирган ҳолда кафолатли улашнишни таъминлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзтрансгаз" АҚ, "Ўзавтйўл" АҚ, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудига транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Ангрен" МИЗ Дирекциясини ташкил этсин ва "Ангрен" махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда "Ангрен" махсус индустриал зонаси тўғрисидаги Низом ҳамда "Ангрен" махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгаши ҳақидаги Низомни тасдиқлаш назарда тутилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаъдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшб Фармондан келиб чиқадиغان ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри, 2012 йил 13 апрель.

И. КАРИМОВ.

БУГУННИНГ ГАПИ



БАРВАҚТ ЭККАН ЭРТА ИШЛОВ БЕРАДИ

Бу – умри далада ўтган уста деҳқонларнинг гапи. Одатда, уларнинг сўзлари билан ишлари бир бўлади. Бекмурод ҳам отаси – Пискентнинг уста пахтакорларидан бири, узок

йиллар бригадирлик қилган Абдурахмон Мавлоновнинг дала ишларига қарашиб юриб, ўзи сезмаган ҳолда дурустгина деҳқонга айланди.

Ўзи Тошкент автомобиль йўллари институти битириб, транспорт корхоналарида муҳандис бўлиб ишлаб юрганига қарамай, отаси кексайган, ҳеч иккиланмай, ишини қўлидан олди. Ҳозир у ташкил этган "Континент" фермер ҳўжалиги айнан отаси бригадирлик қилган 70 гектарли ерларда деҳқончилик билан шуғулланыпти.

– Отамдан ўрганган тажрибаларим иш берапти, – дейди фермер. – Пахта, галла ҳосилдорлиги барқарор. Ҳар йилни ўртача 12-13 миллион сўм соф фойда билан якунлаямиз. 17 кишилик жаомамизнинг топиш-тутиши чакки эмас.

Б. Мавлонов чигитни айнан ер тобиға келганда экишнинг ҳадисини олган. Бу йил ҳам 32,7 гектар майдонга уч кунда чигит қадашган эди. Бугун сифатли экилган уруғлик тўлиқ ва текис униб чиқди. Ердан тўрт энлик кўтарилган мурғак ғўза ниҳолларига туманда биринчилар қатори ишлов беришга киришдилар.

– Давлат эхтиёжлари учун 95 тонна пахта топишириш юзасидан шартнома тузганимиз, – дейди фермернинг ўғли, ҳўжалик иш юритувчиси Аб-



дорбек Бекмуродов. – Ўтган йиллар натижаларига таяниб, бемалол айтиш мумкинки, ҳосилдорлик 32 центнердан, яъни хирмон 105 тоннадан кам бўлмайд.

Дарвоқе, Абдурахмон

СУРАТЛАРДА: ишлов бериш пайти; фермер Бекмурод Мавлонов.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРИ

Зангиота туманидаги "Гулнора-Наврўз-Барақа" фермер ҳўжалиги раҳбари Гулнора Одилбековани кўпчилик оқ халатли шифокор сифатида танирди. Фермерликка қўл урганда эса улар ҳайратланишди. Аммо, янги фермер атрофдагиларга

парво қилмай, 2006 йилда олти ярим гектар ер олиб, иш бошлади. Қоровисз жойни тоқзорга айлантиргунча, ҳаваскор фермер обдон олиб-югурди. Шукрки, қисқа фурсатда барча қийинчиликлар ортида қолди, кичик ҳўжалик оёққа туриб олди.

ДАЛАДАН ОЛИНГАН ЗАВҚ



– Болалигим ҳўжалигимиз жойлашган Гишт-кўприк қишлоғида ўтган, – дейди Гулнора. – Ота-онам тажрибали деҳқон бўлишган. Шу сабабли ерга муҳаббатим ўша пайтлардан бошланган. Ўзим шаҳарда ишлайман-у, қалбим доимо шу кенг, ям-яшил далаларда.

Шифокор аёлининг ташаббускорлиги, ишнинг кўзини билиши, қисқа фурсатда ҳўжаликни гулдэк қилиб яшатиб қўйгани туман раҳбарларининг назарига тушди. 2010 йилга келиб, оптималлаштириш натижасида фермернинг ери 10 баравар кўпайиб, 65 гектарга етди. Энди масъулиятни ҳам 10 баравар ошириш керак эди. Бор маҳоратини кўрсатиб, енг шимариб, ишга киришди.

Унинг ҳўжалиги қўшни Қозоғистон билан чегарадош ҳудудда жойлашганлиги учун қўшиб берилган ерлар анча қаровисз, тикан боғган жойлар эди. Шунинг учун ерга астойдил ишлов берди. Маҳаллий ва кимевий ўғитларга обдон тўйдириди. Шу йили бугдойдан олинган ҳосил барчани ҳайратда қолдирди. Шартнома режасидан ташқари фермернинг омбори ҳам донга тўлди.

(Давоми 2-бетда).

ТАШҚИ АЛОҚАЛАР

ИККИ ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ САФАР

Корея Республикаси Пхёнтек шаҳри делегацияси
вилоятимизда меҳмон бўлди

Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар барқарор ривожланиб бормоқда.

– Маданиятларимизнинг ўхшашлиги, Ўзбекистонда яшовчи корейс миллатига мансуб аҳолининг кўпчилиги бу муносабатлар тобора амалий тус олишига асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда, – деди вилоят ҳокимлигидаги қабул чоғида Пхёнтек шаҳри маъмурияти раиси, делегация раҳбари Сонг Жонг Су.

Тошкент вилояти билан Пхёнтек шаҳри ўртасида дўстлик ва иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида ташриф буюрган бу делегация таркибида иқтисод, молия-инвестиция, саноат-ишлаб чиқариш, логистика-экспорт масалалари билан шуғулланувчи 15 маслаҳатчи ва мутахассислар борлиги мақсад ҳамда режалар қўлами кенглигидан далолатдир.

Учрашув чоғида Сонг Жонг Су жаноблари Пхёнтек шаҳри Корея пойтахти билан Жанубий вилоятларни боғловчи йirik машинасозлик ва порт шахри эканини таъкидлаб, бу ерда автомобильсозлик, металл, юк контейнерлари ишлаб чиқариш ривожлангани, бир вақтнинг ўзига 50 та юк кемасига хизмат кўрсатувчи савдо порти мавжудлигига алоҳида ургу берди. Ўтган йили

портимиз орқали 90 миллион тонна юк ташилди, деди меҳмон. Шаҳардаги 30 минг ходим меҳнат қилувчи LG Electronics заводларида мобил телефонлар, электр жихозлари, қўл компьютерлари ишлаб чиқарилаяпти. 2014 йили рақамли шаҳарча - Digital Park қуриб битказилади. Натижада Санг Ёнг заводида олти хил автомобиль ишлаб чиқарилади.

– Сизларни серкуёш заминимизда чин кўнгилдан қутлаётганим билан бахтиёрман, – деди жавоб нутқида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбасари Карим Тилавбаев.

(Давоми 2-бетда).

БЎЛАЖАК
ЧЕГАРАЧИЛАР

Ёшларни МХХ чегара қўшинлари сафларида хизмат ўташ, ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун руҳан ва жисмонан тайёрлаш мақсадида ҳар йили "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаси ўтказилмоқда.

Бу йилги вилоят финал босқичида Бекобод шаҳрининг "Сарҳадлар", Охангарон туманининг "Шерюррак", Бўстонлик туманининг "Бургутлар" ҳамда Зангиота туманининг "Ўзбекистон ўғлонлари" жамоаларидан иборат 50 нафар ёшлар иштирок этишди.

Бекобод тумани тиббиёт коллежининг "Сарҳадлар" жамоаси мусобақа голиби бўлди. Иккинчи ўринни "Шерюррак" ва учинчи ўринни "Ўзбекистон ўғлонлари" жамоалари қўлга киритди. Ҳалилар ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Обид АБДУСАЛОМОВ.



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТАШҚИ АЛОҚАЛАР



ИККИ ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ САФАР

– Давлатларимизнинг ўзаро муносабатларида дўстлик ва хайрли амалий алоқалар устувор тус олиб, бу жараёнларни ривожлантиришга вилоятимиз муносиб ҳисса қўшмоқда.

Меҳмонлар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий салоҳиятлари билан батафсил таништирилди. Марказий Осиёдаги энг йирик транспорт коммуникациялари шу вилоят орқали ўтиши, 200 дан зиёд корхонада замонавий, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб

чиқарилаётгани, энергетика ва машинасозлик, металлургия, кимё, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожлангани, улар ишлаб чиқараётган рақобатбардош маҳсулотларни экспорт қилиш ортиб бораётгани меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Вилоятнинг Корея Республикаси билан иқтисодий алоқалари тобора кенгайиб бораётгани ҳақидаги маълумотларни меҳмонлар мамнуният билан тинглашди.

– Вилоятимизнинг ташқи савдо алоқаларида Ко-

рея Республикаси энг кўп олди-сотди қилувчи ўн мамлакат қаторида туради, – деди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари. – Ҳозирги пайтда вилоятимизда Корея тадбиркорлик субъектларининг 38 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармояси тўғрисида кўриштирилди. Меҳмонлар кеча кечкурун ватанларига жўнаб кетишди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРИ

ДАЛАДАН ОЛИНГАН ЗАВҚ

Бугун олти ярим гектарда узумзор яшнаб турган бўлса, 4 гектардаги олма боғининг қиёфаси кўзи қамаштиради. 22 гектар галла ям-яшил бўлиб, кун сайин бўй чўзаяпти. Қолган гектарларга плёнка остига қарам, картошка, сабзи екилган.

– Техниканг бўлмаса, катта ерда оёқ-қўлинг боғланиб қолар экан, – дейди фермер. – Шу сабабли кўзимни чирт юмиб, йиққан-терганларини тўплаб, 2 та МТЗ-80 трактори сотиб олдим. Шундан кейин меҳнатим анча енгиллашди. Техника қидириб юрмайман. Аксинча, шартно-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ма асосида кўшни фермерларга ижарага бераман.

Энди Гулнора ҳўжаликни янада кенгайтириш пайига тушган. Ҳозирги кунда 60 бош қорамол ҳам парвариш-ламоқда. Шундан 15 боши соғин сигир. Шу сабабли сутни қайта ишлаш ва гўшт маҳсулотлари тайёрлаш чечини қуриш унинг навбатдаги мақсади.

– Банкдан кредит олишни мўлжаллаяпман, – дейди Гулнора. – Қурилиш ҳамда зарур техника ва технологиялар кетадиган сарф-харажатларни мутахассислар билан ўрганиб чиқаяпмиз.

Фермернинг кунлари ана шундай югур-югурлар билан

ўтади. Аммо, бир одатини ҳеч қанда қилмайди. Ҳар тоғ даладарини яёв айлан-либ, меҳнати ҳосили бўлган боғлару бугдойзорлардан ўзига куч тўплайди.

Гулнора Одилованинг бу каби фидокорлиги, ишбилармонлиги, аёл боши билан қайта ишларга қўл ураётгани беэътибор қолаётгани йўқ. "Ташаббус – 2012" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Энг яхши фермер" йўналишида ғолиб бўлди. Республика босқичида эса "Ишбилармон фермер аёл" деган олинди.

Равшан ЕЎБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲАМ ВАҚТ, ҲАМ МАБЛАҒ ТЕЖАЛЯПТИ

Бўка туманида статистик маълумотларни тўплаш, ҳисоботларни қабул қилиш ва таҳлил этиш жараёнининг дастурий-техникавий даражаси такомиллаштирилмоқда.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар статистика ҳисоботини электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Интернет тармоғи орқали электрон кўринишда тақдим этишаётир. Бундай корхоналар ҳозиргача 20 тадан ошди.

– Ҳисоботларни электрон усулда тақдим этиш қулай ва тезкор бўлиб, – дейди "ADL PLAST SERVICE" хусусий корхонаси раҳбари Ш. Абдурахмонов, – электрон рақамли имзодан фойдаланиш ҳам вақтимизни, ҳам маблағимизни тежамокда.

Ҳошимхон ШАРОФХОНОВ.

ЎТМИШГА БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

18 май – Халқаро музейлар кўни муносабати билан юртимизда илк бор "Музейлар кечаси" ўтказилади

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилаётган янги лойиҳада мамлакатимизда фаолият юритаётган барча музейлар эрталабдан кенгача ишлайди ва меҳмонларни қабул қилади. Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги му-

тахассисларининг таъкидлашича, 18 май кўни пойтахтдаги Маданият ва санъат кўргазмалар залида мамлакат музейларининг энг яхши экспонатлари фотоурғазмаси очилади. Бу кўни барча музейлар кириш бепул бўлади.

Музейлар ўтмиш билан

БАҲҚАРОР БАНК ТИЗИМИ ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ МУСТАҲҚАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида банк-молия соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида бугун мамлакатимиз банк тизими баҳқарор фаолият олиб бормоқда. Бунинг аққол далилини сўнги икки йилдан буён

Ўзбекистон банк тизимига нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан "баҳқарор" рейтинг даражаси берилганлиги ва шундай баҳқаро сазовор бўлаётган банкларимиз сони ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтардиган йил бўлади" маърузасида 2011 йилда депозитларга 2010 йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилинганлиги алоҳида таъкидланди.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаолиги ортиб, банклар кўйилмаларининг 75 фоиздан кўпрогини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнги йил йилда банкларимиз томонидан иқтисодийнинг реал секторини кредитлаш ҳажми 7 баробар ошгани алоҳида эътиборлидир.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2011 йилнинг яқунлари бўйича мамлакатимизнинг барча минтақаларида сўров ўтказилди. Сўровда банк-молия тизими ҳақида жамоатчилик фикри ўрганилиб, соҳага оид муҳим натижалар қайд этилди. Мамлакатимиз тараққиётида банк тизимининг алоҳида ўрни борлигини иштирок этган респондентларнинг деярли барчаси алоҳида эътироф этдилар. Банк тизими ҳақида фикр билдирганларнинг аксарият қисми мамлакатимиз банкларининг бугунги фаолияти бўйича "юқори" баҳони кўрсатган.

Социологик сўровда тижорат банкларидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган молиявий кўмак, яратилган шарт-шароит, аҳоли омонатлари бўйича тақлиф этилаётган хизматларининг кенг қамровли экани, тижорат банклари томонидан миқозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида замонавий технологиялар асосида юқори даражада хизмат кўрсатилганлиги, банклар томонидан кенг қўламадга маслаҳат бериш ва масаланинг ечимидида яқиндан ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилаётгани респондентлар томонидан алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, ўтказилган сўровда бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини кредитлаш бўйича белгиланган барча чора-тадбирларга амал қилган ҳолда юқори даражада хизмат кўрсатилганлиги, миқоз талаблари ўз вақтида бажарилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Айниқса, мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, иқтисодиётни баҳқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омил бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилган чораларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида берилган саволларга сўровда иштирок этганларнинг мутлақ кўпчилиги банк кредитлари бугунги кунда тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этган.

Сўров натижалари таҳлили мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилгани, банк кредитларидан фойдаланиб ўз бизнесини ташкил этаётган ёки кенгайтираётган тадбиркорлар саноатининг кенгайиб бораётганини кўрсатди. Бинобарин, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётганини, жумладан, 2011 йилда банклар томонидан соҳага ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар ошиб, қарийб 4,1 триллион сўмни ташкил этгани ҳам аққол кўрсатиб турибди.

Банклар томонидан ўз ишини бошлаётган тадбиркорларга микрокредитлар ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини респондентларнинг 88,3 фоизи алоҳида таъкидлаган. Тадбиркор аёллар учун кредитлар ажратиш масаласига тижорат банкларидан алоҳида эътибор қаратилаётганини респондентларнинг 88,3 фоизи алоҳида таъкидлаган.

Тадиборкор аёлларга молиявий кўмак беришни кенгайтириш борасида 2011 йил давомида қўрилган чоралар натижасида аёллар тадиборкорлиги учун тижорат банклари томонидан 335,6 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилган. Ўшбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар ўсган.

"Мустақкам оила йили" Давлат дастурида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уй меҳнатини енгиллаштириш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этиш мақсадида уларга кредитлар беришни кенгайтиришга оид чора-тадбирлар белгилангани оила кўргонининг ҳам чиройи, ҳам қаробони бўлган аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг жамиятда маквеки янада мустақкамлаштиришга хизмат қилади. Давлат дастурига мувофиқ, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этиш учун тижорат банклари томонидан жорий йилда 365 миллиард сўмдан

ортиқ миқдорда кредитлар ажратилиши белгиланган. Бу хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ қўллаб-қўллашларини рўйбга чиқишига, уларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда жамият тараққиётидаги иштироки янада кенгайишига хизмат қилади.

Сўровда банкларда миқозларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини янада ошириш борасида кўрсатилган чора-тадбирлар натижалари ҳам алоҳида эътироф этилди.

Бугунги кунда банк хизматларининг миқозларга муомала ва хизмат кўрсатиш маданияти муттасил ошаётгани, миқозларга юқори даражада хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани, яратилган қулайлик ва имкониятлар ҳақида батафсил маълумотлар берилаётгани, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш натижасида миқозларга янада қулайликлар яратилаётгани сўровда иштирок этганларнинг асосий қисми томонидан таъкидланди.

Тадиборкорлик субъектларининг банклардан кредит олиш мақсадларини ўрганиш натижаларига қўра, янги иш ўринлари яратиш, замонавий технологияларга асосланган ускуналар ўрнатиш, мавжуд бино ва иншоотларни талаблар даражасида реконструкция қилиш, янгиларини қуриш, корхоналарни замонавий технологиялар асосида модернизациялаш каби йўналишлар устувор экани маълум бўлди.

Респондентларнинг билдирган ўшбу фикрлари кредит олиш бўйича банкларга тақдим этилаётган лойиҳаларнинг ҳозирги қўр талабларига тўла мос келишини кўрсатди.

Сўров иштирокчилари томонидан келгусида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланиши учун тижорат банклари ва уларнинг филиалларида тадиборкорларга амалий йўл-йўриқ бериш ишларини янада кучайтириш, кредит ажратиш жараёнида кредит таъминоти ва бошқа масалаларни ечимда яқиндан ёрдам кўрсатишни кенгайтириш, жойларда ўтказиладиган амалий учрашувлар самарадорлигини ошириш ва бошқа қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги бўйича тақлифлар айtilди.

Маъжур сўров натижалари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос ислохотларнинг изчил амалга оширилаётгани натижасида бугун мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилганини таъкидлади.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида Ҳ.А. МУХБИРИ, Х. БЕРДИЕВ тайёрлади.

ЯНГИ БИЛИМЛАР БИЛАН — ХИЗМАТГА

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академиясининг ҳарбий дала полигонидида ташкил этилган бир ойлик ўқув-машгулотларида 600 профилактика инспекторлари маляка оширишди.

Машгулотларни бош бошқарма ва соҳа хизмати ҳамда олий ўқув муассасалари бошлиқлари, Академиянинг профессор-ўқитувчилари олиб боришди.

Битирувчиларга тантанали суратда сертификатлар топширилди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бошланғич ташкилот етакчилари орқали корхоналардаги бўш ўринларни аниқлаб, касб-хўнаш коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни йўлга қўйган. Ўтган йили 400 битирувчи шу йўл билан меҳнат фаолиятини бошлади.

БИТИРУВЧИЛАРГА — МУҚИМ ИШ ЎРИНЛАРИ

Ҳамкорлар билан 22 марта меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Битирувчиларнинг имтиёзли кредитлар олишига кўмаклашиш орқали ҳам ишли қилиш чоралари қўрилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири республика Марказий банки, Бош прокуратура, "Қамолот" ЕИҲ, Зангиота тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда тиббиёт коллежидида ўтказилди. Ярмаркада вилоятдаги 60 тадан ортиқ корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

– Туманда бу йил 3500 дан зиёд йигит-қиз ўқишни битиради, – деди "Қамолот" ЕИҲ тиббиёт коллеж бошланғич ташкилот етакчиси Шерзод Рўзиев. – Уларнинг 2500 нафарини ярмаркада иштирок этиб, 2000 нафардан зиёди 3 томонлама шартнома имзолашди.

Ярмаркада энг яхши тадбиркорлик лойиҳасини тақдим этган 14 битирувчига тижорат банклари сертификатлари топширилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЎҚУВ-МАШҚ

БАҲҚАРАФ ЭТИШДАН ОЛДИНИ ОЛИШ ОСОН

Республика Президентининг "2012 йилда сел тошқинлари ва ер кўчкини ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларини бошқариш ҳамда Чиноз тумани ҳудудидида сув тошқини туфайли юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, техник объектларни сув тошқинидан муҳофаза қилиш мақсадида вилоят ҳокими, фуқаро муҳофазаси бошлиғи Р. Холматовнинг буйруғи чиққан эди.

Унга қўра, 14-15 апрель кунлари Чиноз тумани ҳудудидидаги Тентаксой устидан ўтувчи автомобиль йўлининг докер кўприклари ҳамда Бўзсув канали устидан ўтувчи автомобиль йўлидаги кўприкда "Сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан автотомобиль кўприкларини муҳофаза қилиш мақсадида туман куч ва воситаларининг амалий ҳаракати" мавзусида махсус тактик ўқув-машқи ўтказилди.

Машқ давомида асосий эътибор юзага келиши



мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда уларнинг оқибатларини баҳқаро этишда куч ва воситаларнинг ҳамкорлигидаги ҳаракатларини такомиллаштириш ҳамда мувофиқлаштириш, фавқулодда вазият-

лар ўчоғида қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар учун зарур моддий-техник воситаларни жалб қилишга қаратилди.

Машгулотда вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда тегишли идоралар ва туман раҳбарлари, иқтисодий объектлар бошлиқлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари вакиллари иштирок этдилар. Бундан ташқари, туман меҳанизация ишлари йўлға отряди ва ўқув-машқ давомида ўқитиш, ўргатиш ва алоҳида амалий тадбирларни бажариш учун маҳаллардаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг бир қисми фаоллик кўрсатишди.

Ўқув-машқ давомида бажариш мўлжалланган барча ишлар ақунига етказилди.

Равшан РУСТАМОВ.

ЧИФИРИҚДА ЗАМОНАВИЙ КЛИНИКА

Шунингдек, бўлимнинг ўзидида кўз касалликларининг барча турларини консерватив даволаш, ультравуш (УЗИ) текширувдан ўтказиш, барча турдаги кўзойнаклари коррекциялаш – оптика хизматлари тез ва юқори аниқликда бажарилади.

Ички ва юрак-қон томир касалликлари бўлими ҳам қатор афзалликларга эга. Жумладан, замонавий аппаратда юрак-қон томир касалликлари юқори тезлик ва аниқликда ташхис қилинади. Бу ускунанинг яна бир афзаллиги – унинг электр токи бўлмаган қолда батарея билан ҳам ишлайверишидир.

Бундай афзалликлар қулоқ, бурун ва томоқ касалликлари бўлимида ҳам мавжуд бўлиб, барча аъзолар ташхис қилиниб, консерватив даволанади.

Клиникада беморлар учун люкс ва оддий даволашни хоналари мавжуд бўлиб, улар иситиш, совутиш мосламалари, иссиқ-сувусу таъминоти каби қатор қулайликларга эга.

Замонавий бу клиника нафақат Чигирик ёки Ўрта Чирчик тумани, балки, қўшни туман ва шаҳарлардан ҳам миқозларни жалб этмоқда.

Маъмур АЛИЕВ, Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.



ҲУНАРИ ЭЛГА МАНЗУР

Чирчиқлик Гулбаҳор Қўзибоева ясаган миллий қўғирчоқлар шу касбга иштиёқманд ёшлар дилдан жой олмоқда.

— Мен ясаётган бир-бирдан бежирим қўғирчоқларни кўрган қизим Дурдона ҳам бу касбга меҳр қўйди, — дейди ҳунарманд. — Ҳозир миллий қўғирчоқларнинг 100 дан ортиқ турини биргаликда ясамокдаим.

Устоз келажакда миллий қўғирчоқлар савдосини йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Ҳозир 50 дан ортиқ шогирдлари бор.

"Меҳрибонлик" уйи, 7-мактаб ва "Қамолот" ёшлар ижодиёт марказида тўғарақлар ташкил этиб, ёшларга касб ўргатмоқда.

Азамат АХМЕДОВ.

СУРАТДА: ҳунарманд Гулбаҳор Қўзибоева.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

МУЛОҲАЗА

Ҳали келин-куёвлар келишмаган бўлса ҳам, олди меҳмонлар базм дастурхони атрофига ўтиришганига бир соатдан ошган. Куй-қўшиқлар ҳам, "келин-куёвлар бахтли бўлишсин!" дея қадаҳ кўтаришлар ҳам авжга чиқиб улгурган. Кўнгли бўшроқ меҳмонлар даврасида бир неча

Яна бир тўй, яна бир манзара. Наҳорги ош. Тўй эгаси ошга обрўли инсонлар ҳам келди, деган ният билан дастурхонни обдон безаб, ичкиликларни ҳам териб қўйган. Наҳорга бу зормандани ким ҳам ичарди, дерсиз. Ичкиликка ружу қўйганларга қайси пайтда ичининг аҳамияти йўқ экан. Бир-икки бообу меҳмонлар даврасига аралашиб қолган маҳаллий шинавандалар ҳаш-паш дегунча, икки шиша ароқни кулатишди. Бу ҳам етмагандай, "ош яхши бўлибди, қани йигитлар, ошининг исқироқ, ёғлироқ жойидан яна олиб келинлар" дея енг шимарадилар. Ичкиликдан иштаҳалари карнай бўлганлар наҳорги ошни маишатга айлантирдилар.

Тўй — халқимизнинг энг яхши миллий удуми, эзгу орзу-умидлар рўёби бўлган гўзал тантана. Аммо нима учун айнан "тўй" деб аталишини аниқ айтиш қийин: дийдорга тўйишни ёки томошага тўйиш маъносидами ёхуд таомгами? Балки, ичкиликкадир?

Лекин, ҳар ҳолда, қорин тўйгазиш маъносиди бўлмас керак, деб ўйлаймиз. "Тўйга борсанг, тўйиб бор,

шиша бўшаб ҳам қолган. "Қани, олиб келмайсизларми?" дея бўш шишага ишора қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Хизматдагилар хижолатда: олиб келишса, меҳмонлар тобора авжга чиқишарди, олиб келишмаса хафа бўлиб қолишадими, деган андиша...

ТҲЙ — МАИШАТМИ ЁКИ ФАЙЗЛИ ТАНТАНА?

ёмонлигини қўйиб бор" ёки "Нафси ёмон тўйда ўлибди" деган нақллар ҳам айнан шунга ишора эмасми? Хўш, тўй ўзи нима? У қандай тантана? Тўй маишатми ёки маърифий тадбирими?

Яқинда ҳамкасбим билан Қорасув қишлоғидаги "Оқ тун" тўйхонасига тўйга таклиф этилди. Биз ўтирган давра тўй эгасининг курдоси дўстлари — қирқ йиллик кадрдонлари экан. Бири Жиззаҳдан, бири Андижондан, яна бирлари Қашқадарё Сурхондарёдан, қўйинчи, бутун Ўзбекистондан.

Пойтахтда ўзлари бир пайтлар таълим олган олий илм даргоҳида экишган дархтларни тағида ҳар йили йиғилишиб, дийдорлашадиган бу оқибатли одамлар кадрдонларнинг тўй-маъракаларида ҳам бирга бўлишар экан. Шу оқибатнинг ўзи бир қадрият.

Шу тўйда барчани ҳая-

жонга солган аҳойиб шеър тингладик. Тўй эгаларини табриклашга чиққан меҳмон ораданлардан бири адабиёт ўқитувчиси экан. У "Сизга боқиб турган бу тийрак қўзлар" деб бошланувчи ва оналар меҳрини тараннум этувчи машҳур шеърни шундай ҳаяжон билан ўқидики, ёшу қари жон қўлоғи билан тинглади. Ишончим комилки, тўйда бўлган меҳмонлар ҳали-ҳануз нима еб-ичганларини эслай олмасалар-да, ўша шеър ҳамон ёдларида.

Яна бир ҳажжонли табрик тўй эгалари Ҳакимжон ва Салимаҳон набираларининг дил сўзлари бўлди. Тошкентдаги академик лицейда тахсил олаётган набиралар юбилейларни инглиз тилида бийрон-бийрон табриклашиб, ҳаммамиз олқийшини олдилар, ҳавасини келтирдилар. Биз ҳам қўл қатори набираларимиз улдарай бўлишини тиладик.

Хуллас, айтаверса, гап кўп. Бу тўй, ишончим комилки, унда иштирок этганларнинг барчасида аҳойиб маърифий тадбирдек таассурот қолдириб.

Қанчадан-қанча катта, яъни донгичар ва "киммошди" тўйларнинг ҳам меҳмо-

Сирасини айтганда, катта, дабдабали тўйни Худо берган қилади. Бу ҳаммадан ҳам имконидидаги иш эмас. Бир жиҳатдан уларага ҳавас қилса бўлар. Аммо, гап тўйкинлигини эътилоҳқа ҳизмат қилдириш ҳақида борапти. Оз бўлсаю соз бўлса, нур устига нур.

Ортбошимизнинг "Тўй-ҳашамлар, оливайи тантана, маърақа ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони ҳам тўйларни ихчам, тартибли ва жозиба-ли ўтказишга қаратилган дастуриламалдир. Тўй, академик шоиримиз Фадул Фулом ёзганидек, инсон ҳаётидаги "сийрак тантана". Шундай экан уни қанчалик қизиқарли, маъмуний ўтказасак, шунчалик яхши.

Тўйга, қасрият тўйларимиз бошланғида жуда сипо, маданий тартибда бўлади. Бироздан кейин аса ким нима қилаётганини, микрофон ушлаб, табрикка чиққанлар нима деяётганини тушуниш қийин бўлиб қолади. Демак, энди у бошқарувдан чиқиб кетган бўлади. Бу аса тўйни ҳам бошқа тантанали тадбирлар қатори тартибли, керак бўлса, маълум сценарий бўйича олиб бориш зарурлигини, деган фикр ўйғотади кишида.

Муддао шуки, ҳаётимизнинг тўйдек аҳойиб шодий-наси, бахт-саодатимиз тантанаси гўзал, янада муҳими тарбия ва ибрат тадбирига айланса деймиз.

Маммурихон БОЗОРАЛИЕВ.

ҚУЁШ НУРИ — ТАБИАТ ИНЪОМИ

Саудия Арабистонида дунёдаги энг йирик қуёш станцияси ишга тушди.

Қуёш нури ёрдамида электр энергиясини тўловчи панеллар 36 минг квадрат метр ҳудудни эгаллаган. Замонавий технологиялар асосида бунёд этилган ушбу станция кўм довулларида муҳофаза этувчи тизим билан таъминланган. Компания вакиллари айтишича, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 4,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган.

ЎЗА.

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ БИЛАН ИШЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисларидан бирида Юртбошимиз ресурслардан оқилана ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳақида гапириб, "Муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий

Иқтисод фанлари номзоди Камолжон Шодиметов "Муқобил энергия турлари — ҳаётга" китобида олим сифатида кўпгина фойдали далил ва ҳолатларни илгари суриб, вилотимизда бир гуруҳ ташаббускорлар шу соҳада олиб бораётган изланишлар, дастлабки тажрибалар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирган.

"SNAHQ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси

бош тахририяти чоп этган бу илмий-оммабоп асарда ноъанавий ва қайта тикланган энергия ишлаб чиқариш ҳамда энергия тежамкорлиги бўйича дунё мамлакатлари ва Ўзбекистонда эришилган энг олий тажрибалар умумлаштирилган. Асарда бугунги глобал энергия муаммоси, уни бартараф этиш ва шу муносабат билан муқобил энергия тизимини яратиш зарурлиги, экологик

соф ва арзон энергетика технологиялари кенг ёритилиб, муқобил энергия турлари ва улардан фойдаланадиган имкониятлари батафсил очиб берилган. Муаллиф Ўзбекистонда энергетика сивасатини шакллантириш ва унинг асосий йўналишлари, бу ишнинг қонуний асослари ҳусусида ҳам атрофлича фикр юритишда, қайта тикланган энергия манбаларида олинадиган иқтисодий

самаралар ҳақида фикр юритади. Экологик тоза қуёш энергияси, биогаз ва биоуғит ишлаб чиқарувчи қурилмаларнинг чизмалари берилганиги асарнинг аҳамиятини янада оширган.

Вилотимиздаги қатор болалар оромгоҳлари, Зангиота туманидаги Боймуҳамедов қуёш врачлик пункти ва бошқа айрим жойларда қуёш батареялари ўрнатилган. Зангиота туманида UNDP ташкилоти маблағи ҳисобига энг йирик биогаз қурилмаси барпо этилди. Ўрта Чирчиқ туманида "Ихлос Бизнес Барака" хусусий



корхонасининг биогаз ва биоуғит ишлаб чиқариш лойиҳаси ижтимоий ташаббуслари кўллаб-қувватлаш жамағарисининг грантига сазовор бўлди. Бу қурилма ҳозир бир неча хонадон ва маҳалладаги мактабни газ билан таъминламоқда.

Жўрабек МУРДОВ.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАРЧА МАСЪУЛ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданий саройида таълим муассасаларида талаба-ўқувчиларни ёт гоилардан ҳимоялаштириш самаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда пойтахтимиздаги ва Тошкент вилотидаги олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиқлари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларининг ўринбосарлари, ўқитувчилар, маънавий тарғиботчилари иштирок этди.

Юртимизда таълимнинг барча босқичлари маънавий-ахлоқий тарбия жараёни билан ҳаммаҳанг олиб боришмоқда. Барча ўқув муассасаларида "Миллий истиқлол гоиси ва

маънавият асослари" фани ўргатилмоқда. Бунда ўқитишнинг ноъанавий, илгор усуллари билан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Олимлар, психологлар, мутахассислар иш тирокида ўтказиётган "Маънавият сабақлари", очик дарслар ёшларнинг ўз тақдирини, оила, жамият, Ватан олдидаги ижтимоий бурчи ва масъулиятини теран англаб етишида муҳим омили бўлмоқда.

Семинарда таъкидланганидек, бугунги текзор даврда интернет, мобил телефон каби замонавий алоқа воситалари, турли фильмлар, адаб-бетила, видеокипплар воситасида ёшларнинг ҳаёт тарзига, дунёқарашига, тарбия-

сига салбий путур етказиш хавфи тобора кучайиб бораётгани сир эмас. Бу аса диний акцидапарастлик, миссионерлик, ахлоқсизлик, "оммавий маданият"нинг салбий таъсирлари каби хатарларга қарши курашда таълим масканлари, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ота-оналар ҳамкорлигини янада кучайтиришни, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини оширишни, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда.

Семинарда ўқув масканларида маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали услубларини жорий этиш ва ёшларни миллий мафкурамиз, маънавийтимиз, умброкий қадриятларимизга зид гоилардан ишончли тарзда ҳимоялаш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш ҳақида фикр алмашилди.

ЎЗА.

UZTELECOM

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари диққатига:

телефон рақамларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида шошилинч ва маълумотлар хизматида чиқиш алоқасига янги тартиб киритилди. Аввалги тартибдаги:

01, 02, 03, 04, ..., 0xx икки ой давомида амал қилади.

- «01» (ёнгин хавфсизлиги хизмати) — «101»
- «02» (милиция) — «102»
- «03» (тез тиббий ёрдам) — «103»
- «04» (газ хизмати) — «104»
- «050» (қутқарув хизмати) — «1050»
- «0xx» (бошқа хизматлар) — «10xx»

Маълумот олиш учун телефон: (+99871) 200-31-31

"Respublika Mulk Markazi" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан, ВОЛБО-И-10М" русумли, д/р 10Я2075А бўлган, 1980 йил и/ч, "Полроқ" кредит уюшмасида сакланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.02.2011 й., №1304. Бошланғич баҳоси — 23 702 636 сўм.

Aукцион савдолари 2012 йил 21 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 18 май куни соат 18.00.

Шунингдек, 2012 йил 8 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдоларида тақридан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

II. Аукцион савдосига тақридан Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 1. "УАЗ" русумли, д/р йўқ бўлган, 1997 йил и/ч, Бекобод темир йўл бекатлари омиборида сакланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.06.2011 й., №7250. Бошланғич баҳоси — 400 950 сўм. 2. "УАЗ-452А" русумли, д/р 1119673 бўлган, 1980 йилда и/ч, "Бек-ободсавдо" МЧЖ омиборида сакланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 11.05.2011 й., №7171. Бошланғич баҳоси — 1 910 826 сўм.

III. Аукцион савдосига тақридан Чиноз тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилоти султининг 24.06.2010 йилдаги 2-42/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган "Чиноз Автоулоқлари" МЧЖга тегишли, "Vita Spring" ХК ҳовлисида ва "Чиноз Оқ Той" МЧЖга тегишли, Чиноз тумани, Чиноз қўрғонинда сакланаётган: 1. "Мидибус М-29-12" русумли, д/р 11А03150 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 11 725 478 сўм; 2. "Мидибус М-24-9" русумли, д/р 11А03150 бўлган, 2002 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 12 701 449 сўм; 3. "Мидибус М-24-9" русумли, д/р 11А0304 бўлган, 2002 йилда и/ч, автобус. Бошлан-

ғич баҳоси — 12 701 449 сўм; 4. "Мидибус М-24-9" русумли, д/р 10 273 ААА бўлган, 2002 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 15 680 758 сўм; 5. "Мидибус М-24-9" русумли, д/р 11А0338 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 3 618 647 сўм; 6. "Мидибус М-24-9" русумли, д/р 11А0349 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 3 618 647 сўм; 7. "Мидибус М-24-9" русумли, д/р 11А0356 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 2 412 432 сўм; 8. "Мидибус М-24-9" русумли, д/р 10 119 ВАА бўлган, 2002 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 15 680 802 сўм; 9. "Мидибус М-24-9" русумли, д/р 10А0278 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 2 412 432 сўм; 10. "Мидибус М-24-9" русумли, д/р 10А0357 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 13 268 369 сўм; 11. "Мидибус М-24-9" русумли, д/р 10А0339 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 3 618 729 сўм; 12. "Мидибус М-23-9" русумли, д/р 11А0152 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 9 055 799 сўм; 13. "Мидибус М-23-9" русумли, д/р 11А0277 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 6 211 109 сўм; 14. "Мидибус М-23-9" русумли, д/р 11А0344 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 9 440 887 сўм; 15. "Мидибус М-23-9" русумли, д/р 11А0160 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 3 618 647 сўм; 16. "Мидибус М-23-9" русумли, д/р 11А0155 бўлган, 2001 йилда и/ч, автобус. Бошланғич баҳоси — 9 860 758 сўм; 17. "Тизанча" русумли, "Кара СРС-20 TS2410415-208", 2008 йилда и/ч, автопогрузчик. Бошланғич баҳоси — 9 542 477 сўм; 18. "Газ-33029" русумли, д/р ва и/ч йили номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 347 033 сўм; 19. "Победа Газ-20" русумли, д/р 30R1956 бўлган, 1954 йил и/ч, автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 915 876 сўм.

IV. Аукцион савдосига тақридан Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХБ жарима майдонларида сакланаётган: 1. "Матиз" русумли, д/р 01У036АА бўлган, 2006 йилда и/ч, автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.01.2012 й., №371. Бошланғич баҳоси — 9 719 775 сўм. 2. "Шевролет Корико" русумли, д/р бўлмаган, и/ч йили аниқланмаган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.05.2011 й., №4601. Бошланғич баҳоси — 4 390 200 сўм. 3. "Опел Вектра" русумли, д/р 1002758А бўлган, 1992 йилда и/ч, автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.02.2011 й., №1497. Бошланғич баҳоси — 6 699 174 сўм. 4. "Москвич-412" русумли, д/р 1175619 бўлган, 1983 йилда и/ч "Зеро-миллер" МЧЖ омиборида сакланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 29.04.2011 й., №4160-4161. Бошланғич баҳоси — 903 960 сўм.

Тақридан ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 4 май куни соат 18.00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган заклал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан ҳам бўлмаган миқдорда заклал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk Markazi" ЁАЖнинг ОАИБ "Илак йўли банк" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлар шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИИН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақумиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Ғувоҳнома № 006231.

ООО "REALTOR GARANT BUSINESS" пригласает на открытие аукционные торги на повышение, которые состоятся 22.05.2012 г. в 11.00 ч.

На торги Отделом судополнителей Яккасарайского района выставляются следующие жилые дома: 1. Сог.исп. листу № 1-318/11 находящиеся по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Усмана Носыра, дом 52, кв. 12, стартовая цена: 51 622 262 сўм. Если аукцион 22.05.2012 г. не состоится, то заранее извещаем, что повторные торги пройдут 05.06.2012 г. Заявка и договор о задатке для оплаты 10 % залога от стартовой стоимости для участия в аукционе принимаются в будние дни от 10.00 ч. до 16.00 ч. (от 13.00 до 14.00 обед) по адресу: г. Ташкент, М.-Улугбекский р-н, ул. Буюк Ипак йули, дом 184. Телефон: 266-80-76. Приём заявок прекращается за один день до проведения аукциона. Адрес банка: г. Ташкент, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонхурский ф-л. р/с: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Лицензия: RR-0052.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2012 йил 14 апрелдаги сониди эълон қилинган "Диққат, тендер!" йўналишлари рўйхатига киритилган ВХ-283 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори — Кўштепа маҳалласи" йўналишли тақдиси йўналиши 2012 йил 27 апрель кунни ўтказиладиган очик тендер савдоларига киритилган-лиги сабабли, ушбу йўналиш бўйича 2012 йил 16 май кунни очик тендер савдолари ўтказилмайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ

Тел: 233-08-34

Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

XXI ва дунё аср

БРЕЙВИК УСТИДАН СУД БОШЛАНДИ

16 апрель – душанба кунин Норвегияда террорчи Андерс Брейвик устидан суд бошланди. Уни 77 кишини ўлдиришда айбдор қилишди.



Sky Newsнинг таъкидлашига қараганда, Брейвик ўнг қўлини юқори кўтариб, судни кутди. Унга сўз берилиши билан айбланувчи Норвегия судини тан олмаслигини айтди. Чунки мамлакат ҳукумати мульти-культурализмни қўллаб-қувватламакда.

Брейвик 2011 йил 22 июлда Норвегияда икки марта теракт уюштирди ва амалга оширди. Аввал Ослода ҳукумат жойлашган даҳада портлаш содир этди. Кейин ҳукумрон партиянинг Утойа оролидаги ёшлар лагерига йўл олиб, ўсмирларни ўққа тутди.

Қораловчилар портлаш

қурбонлари 300 кишидан ортиши мумкинлигини таъкидламоқдалар. Полицияга қаршиликсиз таслим бўлган Андерс терактларга алоқадор эканлигини тан олди. Бироқ, ўзини айбдор деб ҳисоблашдан бош тортди. Унинг сўзларига қараганда, Норвегия жамоатчилиги эътиборини Европага мусулмон мигрантлар оқиб келаётганига қаратиш мақсадида шундай қилишга мажбур бўлган.

2011 йилнинг кузида руҳий экспертиза Брейвикни нима қилаётганини билмайдиган ҳолатда деб топган эди. Бироқ, суд бошланиши олдидан қайта текширган экспертлар уни соппа-соғ дейишди. Андерс эса, жиноятини судда "ўзини ҳимоя қилиш" деб тушутирмоқда. У яна умрбод қамоқ жазоси беришларини хошлашини айтди. Бу мажбурий давонаниш учун зарурмиш.

400 МАҲБУС ТУРМАДАН ҚОЧДИ

Покистоннинг шимоли гарбидаги Банну шаҳри турмасига ҳужум уюштирилган пайтда 400 га яқин маҳбус қамоқхонадан қочиш кетди.

Мамлакатнинг The News нашри хабарига қараганда, гранатомёт ва бошқа ўқ отиш воситалари билан қуролланган жангарилар соқчилар билан шиддатли отишмага киришганлар. Ҳужум оқибатида ҳар икки томондан ўнлаб киши ярадор бўлиб, шифохоналарга ётқизилган.

Покистон полициясидаги юқори мансабли манба ушбу ҳужумни тасдиқлаб Reuters агентлигига маълумот берди. The Newsнинг таъкидлашича, бўлиб ўтган воқеа натижасида турмада маҳбуслар деярли қолмади. Маҳаллий полиция вазиятни назоратга олиш учун ҳарбийлардан ёрдамчи куч қабул қилди. Ҳозирча, Банну турмасига уюштирилган ҳужум учун жавобгарлиқни ҳеч бир ташкилот ўз зиммасига олгани йўқ.



ТҮРТ КИШИ ПОРТЛАШ ҚУРБОНИ

Мисрнинг Сувайш шаҳридаги нефтни қайта ишлаш завоидида юз берган портлаш натижасида 4 киши ҳалок бўлди, 22 киши жароҳатланди.

"Синхуа" агентлиги тиббий доиралардаги манба маълумотида таяниб шу ҳақда хабар тарқатди. Nasr Petroleum компаниясига қарашли корхонадаги резервуарлардан бирида юз берган портлаш кучли ёнғин келтириб чиқарди. Олов бошқа резервуарларга ҳам ўтиб кетди.

Портлаш сабаби ҳали номаълум. Ёнғинни ўчиришга ўнлаб ўт ўчириш машиналари ва икита вертолёт сафарбар этилди. Завод ишчи-хизматчиларини эвакуация қилиш учун ҳарбийлар ёрдамга қақчилди.

"Синхуа"нинг қўшимча маълумотида кўра, Миср солиқни сақлаш вазирлиги ҳозирча, портлаш тўғрисида фақат бир киши ўлиб, 12 киши жароҳатлангани ҳақидаги маълумотни расман тасдиқламакда.



НИҲОЯТ КИМ ЧЕН ИН НУТҚ СЎЗЛАДИ

Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин бобоси Ким Ир Сен таваллудининг 100 йиллигига бағишланган ҳарбий парадда биринчи марта кўпчилик олдида нутқ ироа этди.

АТР агентлигининг ёзишича, "Мен буюк дўстларимиз Ким Ир Сен ва Ким Чен Ирга самимий иззат-ҳурмат изҳор этаман. Ўзларини икки давлатнинг бирлашиши ва гуллаб-яшнашига бағишлаган Жанубий Кореядаги ва бутун дунёдаги ватандошларимизга илиқ табриқимни йўллайман, – деди КХДР раҳбари. – Биз якуний ғалабага эришамиз".

Маросим иштирокчилари ёш раҳбарнинг сўзларини шодиёна қийқириқлар билан кутиб олдилар ва унга узоқ умр тиладилар. Ким Чен Ин нутқ сўзлаётганида матндан деярли кўз узмади.

Ёш давлат раҳбари 2011 йилнинг охиридаги отаси Ким Чен Ир вафот этганидан сўнг лавозимини эгаллаган эди. 2012 йил 13 апрелда 30 ёшли етакчи КХДР Мудофаа қўмитаси раҳбари этиб сайланди ва бу билан мамлакатда тўла ҳокимиятни ўз қўлига олди.

БЕРЛУСКОНИ МАИШҲИЙ КЕЧАЛАР СЎРОВИНИ БЕРАЯПТИ

Сиавио Берлускони тиш дўхтири Николь Минетти ҳамда эгизак Имма ва Элеонора Виволарга пул тўлаганини "бу менинг бурчим" дея изоҳлади.



Собиқ Италия бош вазирининг берган интервьюси унинг укаси Паоло Берлусконига қарашли Il Giornale газетасида босилди. Милан полициясининг фикрича, Берлускони уч аёлга "шубҳали" ҳақ тўлаган. Зеро, 127 минг доллар озгина пул эмас. "Минетти ўзи учун оғир дама ёрдам беришини сўради ва мен жон деб унга пул бердим" деди Берлускони. Эгизак Виволарга ҳам "фожиали вазият"да ёрдам берганини айтди. Минетти ва эгизак қиз-

лар, Италия тергов маълумотларига кўра, балогатга етмаганлар иштирокчидаги кечаларда қатнашганлида айбланмоқда. Берлускони устидан суд 16 апрель кунини бошланди. Собиқ бош вазир, жумладан, марокашлик раққоса Руби (асл исми Карима ал-Марук)ни фоҳишалар билан шуғулланишга жалб этганлида айбланмоқда. Бу пайтда Руби балогатга етмаган эди. Минетти ва эгизакларнинг иши собиқ бош вазирнинг ишидан алоҳида ҳолда қўрилмоқда.

ЧАВЕС ЎРНИГА МАДУРО

Венесуэла президенти Уго Чавес шанба кунин Колумбияда очилган Саммит Америк тадбирини ўтказиб юборишга мажбур эканлиги ҳақида хабар тарқатди Associated Press мамлакат ташқи ишлар вазирини Николас Мадуронинг сўзларига таяниб.


Врачларнинг талабига мувофиқ Венесуэла етакчиси терапия муолажа курсини давом эттириш учун Кубага қайтади. Саммитда эса унинг ўрнига Мадуро иштирок этади. Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, саммитда иштирок этишдан воз кечганига қараганда, Чавеснинг касали анча жиддий. Шу боис у 2012 йил 7 октябрда бўладиган президент сайловларида ҳам иштирок эта олмаслиги мумкин.

Чавес нур терапияси бўйича муолажа олишни шу йил март ойининг охирида, думгаза суяги атрофидаги иккинчи ўсимтини олиб ташлаш операциясидан сўнг бошлаган эди. Касалнинг аниқ ташхиси маълум қилинмади. Шунингдек, хавфли ўсимта айнан қаердан олиб ташлангани ҳам ошкор этилмади.

Associated Pressнинг эслатишича, Венесуэла конституциясига мувофиқ, президент парламентнинг рухсатисиз мамлакатни беш кундан ортиқ муддатга ташлаб кетолмади. Қонун чиқарувчилар аввалроқ унинг Кубага узоқ сафарини маъқуллаган эдилар. Муҳолифатчи депутатлар ҳам ушбу муолажани "инсонпарварлик масаласи" деб атаб, монелик қилмадилар.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

БИЛАСИЗМИ?



Сут – кони фойда

Австралиялик олимлар сут маҳсулотлари саратон хасталигининг олдини олади, деб таъкидламоқда. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, сутли маҳсулотларни мунтазам истеъмол қилган беморларда зарарли ўсимтанинг тана бўйлаб тарқалиш хавфи қирқ беш фоиз камаяр экан.

Тадиқотлар натижасида маълум бўлишича, сутни хуш кўрувчи соғлом одамларда эса ушбу касалликка чалиниш хавфи 38 фоиз кам учрар экан.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

миш...

Эртақ қанчалик мафтункор бўлса, оғзини ланг очиб эшитадиган лақмалар ҳамини топилади. Жўрабек Тўрабеков мўлжални аниқ олганига тез кунда ишонч ҳосил қилди. Эртақшина-вандалар, паспорт нухалари билан расмларига қўшиб 300 АҚШ доллари кўтариб келувчилар қўлайиб борди. Қисқа фурсатда Ф. Жумабоев, А. Алпанов, Ў. Бойзоқова фирибгарнинг тузоғи иланишди. Унинг афсоналарига лақақ учган Қарахоним Эргашев эса, жияни Пўлат билан куёви Ше-

яна ҳам мустаҳкамланди. "Иш"га отланганларнинг ҳар бири қаллобларга 1,5 миллион сўмдан нақд пулни қўшқўллаб тутқазиди. Жиноий ғуруҳ уларнинг ҳар бирига Краснодарга учмиш учун авиатикет олиб берди, холос.

– Нима учун Краснодарга? – сўради ишга отланганлардан бири.

– Сизни аэропортда кутиб олишди, у ёғига Алексей автобусда олиб кетади, – дейишди қаллоблар.

Дарҳақиқат, Алексей 24 кишини кутиб олган. Лекин автобус Сочига йўл олиш


Фастфуднинг зарари

АҚШда фастфуд (бир зумда тановул қилинадиган озиқ-овқат) билан савдо қилувчи ресторан ва қаҳвахоналарга қўшимча солиқ тўлаш тизими жорий этилди. Боиси, аҳолининг аксарият қисми севиб тановул қиладиган мажбурланган фастфуд инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, юрак хасталигига сабаб бўлаётир.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга кўра, мажбур солиқлардан тўшган маблағ болалар ўртасида семиршиш касаллигининг олдини олишга сарфланади. Маълумотларга қараганда, сўнгги ўн йил ичида АҚШда болалар ўртасида юракни ёғ босиши оқибатида юзга келувчи хасталиклар уч баробар ошган.

ЎзА.

ЎЗ ВАСВАСАСИНИНГ ҚУРБОНИ



ралини Кореяга ишга жўнатмоқчи ҳавас қилиб қолди. Уларнинг ҳужжатларига қўшиб, 1000 доллар кўтариб келди.

"Иш" бунчалик осон қўлаётганидан руҳланган товланмачи Жўрабек Тўрабеков ўз "саъй-ҳаракатлари" қўламини яна ҳам кенгайтиришга киришди. Тошкентдаги "UNIVESTAFF" фирмаси раҳбари Анвар Жабборов ва Россия Федерациясидаги "Алтей парус" фирмаси ходими Алексей исмли шахслар билан жиноий тил бириктирди. У бир йўла 24 кишини Сочидан қайтариб олишга "сафарбар" этди. Тиркичиликни йўлга қўйиш учун иш излаб юрган бу кишилар унинг стадион қурилишида 800-1200 доллар иш ҳақи, махсус кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат ҳақидаги чўпчаларига ишониди. Тошкентда фирма раҳбари, аслида жиноий ғуруҳ аъзоси Анвар Жабборов билан учраштирилгач, бу ишонч

ўрнига Краснодар ўлкасидаги тугалланмаган бир қурилиш ёнида тўхтаган. Ҳар бири ўз орзу-умидлари билан "стадион қурилиши"га отланган 24 киши 2011 йил 2 июндан 22 сентябргача оғир ишларни бажаришга мажбур қилинган.

Оққўргонда эса Жўрабек Тўрабеков одамларга фириб беришни давом эттирарди. У июнь ойида яна тўққиз кишини "Сочи"га жўнатишга муваффақ бўлди. Ҳамтовоғи Анвар Жабборов билан бирга уларнинг ҳар бирини жўнатишдан 700 минг сўмдан соф фойда кўрди. Булар ҳам... ўша Алексейнинг қўлига бориб тушиди.

– Ўртоғим Ҳаёт билан Жўрабек аканинг таклифига рози бўлди, – деди судда жабрланувчилардан бири Улугбек Ризаев. – Ҳаёт аэропортдан қайтди. Тўққиз киши Краснодарга учиб кетди. Алексей паспортларимизни йиғиб олиб, бизни турли қурилишларда

Жўрабек Тўрабековнинг фирибгарликлари, одамлар ишончига кириб, жиноий шериклари билан биргаликда уларнинг бошига солган қулфатлари тегишли ҳужжатлар ва жабрланувчиларнинг қўрсатмалари билан асослаб берилди, тўла-тўқис тасдиқланди. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 2-қисмининг "б" банди ва 135-моддаси 2-қисмининг "а, б, д, е, з" бандлари бўйича айбни деб топилди. Шу тариқа, Жўрабек-Тўрабеков узил-кесил ўташлик учун 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Лекин бу ҳаммаси эмас. У одамлардан алдов йўли билан йиғиб олган миллион-миллион сўм маблағлар ҳам кўклагига қор сингарли йўқ бўлди-кетди. Айтмоқчимизки, суд ўз алдовларига учган одамлардан фирибгарлик йўли билан йиғиб олинган доллару сўмлар эгаларига қайтарилиши ло-

Юсуф ЖУМАЕВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



– Энди, оғайни, чучук сув йилдан-йилга муаммо бўлиб бораёпти, хафа бўлмайсан. Юля ЗЕМЛЯНСКАЯ чизган расм.

БУ – ҚИЗИҚ

Ақл ёшда эмас...

Буюк Британиялик Хайди Ханкинс исми қизалоққ дунёдаги интеллектуал салоҳияти энг юқори кишилар ташкилотига аъзо бўлди. Махсус тестдан 159 балл олган тўрт ёшли Хайди ўзининг юксак қобилияти билан олимларни ҳайратга солди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бундай тестларни топширган катта одамларда ўртача кўрсаткич 100 балли, ўта иқтидорли инсонларда 130 балли ташкил қилади.

"Телеграф" нашрининг ёзишича, арифметикани ҳеч бир қийинчиликсиз ҳисоб-лай оладиган, геометрик фигураларни чиқишни, ўқишни ва ёзишни ўзидан 6-7 яшар катталарга ўргата оладиган Хайдининг ота-онаси фарзандидидаги бу қобилиятни икки ёшлигида сезган.

Қўл соатидаги мобил телефон

"Sony" компанияси АҚШда янги турдаги антиқа соатларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Эндиликда харидорлар мобил телефонларига келаятган барча хабарларни, электрон маълумотларни, кишиш ва кириш кўнғироклари рўйхатини қўл соатлари орқали қўйиш ва ўқиш имкониятига эга бўлади. Bluetooth тизими ўрнатилган соат осонгина мобил телефон билан алоқа ўрнатади. Сенсор экранли бундай соатлар электр қувватисиз тўрт кун давомиде тўхтовсиз ишлай олади.

ЎзА.

АФАДИ БИР КУНИ...

ШАЙТОН БИЛАН ПИЁНИСТА

Бир маст йигит Афандининг бўйига осилиб йиғлади: – Аиланай Афандим, биламан, сиз мени ёмон кўрасиз. Лекин менинг ёмон бўлишимга шайтон сабабчи. Ўшанинг гапига кириб, кўп номаъқулчилик қилдим...

Афанди йигитнинг қўлини елкасидан олиб, деди: – Э, эсингизга, нега олинроқ келмадинг? – Келганимда нима бўларди? – Ҳозиргина шайтон келиб, мен тинчгина юрган шайтон эдим, фалончи менинг номимни сотиб, ичкилик ичиб, обрўимни тўқиб юрибди, деб сендан ноилиди. Аввалроқ келганимда, иккалагини юзмаштира эдим...

ЙИФИСИ БОСИЛМАДИ

Бир ой ичида Афандининг ҳам хотини, ҳам эшаги ўлиб қолди. Хотини ўлганида Афанди бир-икки кун йиғлади-ю, юпанди. Эшаги ўлганида эса, йиғидан ҳеч тийилмади. Буни кўриб, қўшнис сўради:

– Хотинингиз ўлганда унча куймадингиз-у, нега эшагингиз ўлгандан бери йиғидан тўхтамайсиз? Афанди жавоб берди: – Хотиним ўлганда, маҳалла-қўй йиғилиб, қўйнинг, кўп ҳам қуёнманг, уйлантириб қўямиз, деган эди. Эшагини ўлганида бирон мард киши, эшақ олиб берамиз, демади. Мен йиғламай ким йиғасин, йиғлайман-а!

ҚИРҚ ЙИЛЛИК СИРКА

Бир кун ён қўшнис Афандидан сўради: – Сизга қирқ йиллик сирка бор, деб эшитдим. Шу ростми? – Рост, – деди Афанди. – Шу сиркангиздан озгина бермайсизми? – Иложи йўқ, – деди Афанди, – ҳар кимга бераверсам, сиркам қирқ йилга етармиди?

ҚАРНОҚЛИ тўплаган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъзилия:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 236-55-59,
233-58-85 (факс).
233-12-83, 233-48-08.
236-55-54.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил 12
январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ